

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ҲУЗУРИДАГИ  
ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.02/09.07.2020. Tar.120.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ  
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВ ЖАСУРБЕК ЗОКИРЖОНОВИЧ**

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ  
ЁДГОРЛИКЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ  
(XIX-XXI асрлар)**

**17.00.06 - Музейшунослик. Тарихий-маданий объектларни консервация қилиш,  
таъмирлаш ва сақлаш**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Ахмедов Жасурбек Зокиржонович**

Фарғона водийсидаги тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштириш  
(XIX-XXI асрлар).....3

**Ахмедов Жасурбек Зокиржонович**

Музеефикация историко-культурных объектов Ферганской долины (XIX-XXI  
вв.).....27

**Akhmedov Jasurbek Zokirjonovich**

Museumification historical-cultural monuments of Fergana Valley (XIX-XXI  
centuries).....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ҲУЗУРИДАГИ ТАРИХ  
ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.02/09.07.2020. Tar.120.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА  
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВ ЖАСУРБЕК ЗОКИРЖОНОВИЧ**

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ  
ЁДГОРЛИКЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ  
(XIX-XXI асрлар)**

**17.00.06 - Музейшунослик. Тарихий-маданий объектларни консервация  
қилиш, таъмирлаш ва сақлаш**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси манзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Tar447. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.history-museum.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилова Жаннат Ҳамидовна  
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Матбобоев Боқижон Хошимович  
тарих фанлари доктори, профессор

Файзиев Хуршид Тургунович  
Тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.02/09.07.2020. Таг.120.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» 04 соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 3 уй. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг кичик мажлислар зали Тел.: (99871) 239-10-83; факс: (99871) 239-10-83; e-mail: info-historymuseum@academy.uz Ўзбекистон тарихи давлат музейи).

Диссертация билан Ўзбекистон тарихи давлат музейининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18270 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 3 уй.). Тел.: (99871) 239-10-83; факс: (99871) 239-10-83.

Диссертация автореферати 2021 йил «26» 06 куни тарқатилди.  
(2021 йил «24» 06 даги 2 рақамли реестр баённомаси.)



С.Т.Давлатова  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси в.в.б., т.ф.д.

А.Ф.Исмаилов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD),  
катта илмий ходим

Б.В.Хасанов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг ривожланган давлатларида маданий меросни сақлаш ва таъмирлаш долзарб вазифага айланиб, жаҳон халқлари тарихи ва маданиятини чуқурроқ англашда улкан аҳамият касб этмоқда. Маданий мерос кенг қамровли жиҳатларга эга бўлиб, жаҳон сайёҳлик саноатининг муҳим элементи сифатида ҳамда давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ва ривожланишида асосий ўрин эгалламоқда. Йилдан-йилга тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштириш минтақа ва ҳудудларнинг тарихий аҳамиятини ошириш ва кишилар хотирасида ушбу меросга ҳурмат туйғусини сақлаш муҳим омилга айланди.

Жаҳоннинг йирик музейлари, илмий тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштириш масалаларини ҳар томонлама ўрганиш устивор илмий йўналишлардан бири саналади. Ёдгорликларни янги функцияга музейлаштиришнинг меъморий-режавий ечими, одатда, замонавий хизмат турларини ташкил қилишдаги ҳозирги реставрация меъёрлари ва қоидаларини эътиборга олган ҳолда олиб борилса-да, асосий мезон ёдгорликдаги мавжуд режавий ва конструктив тузилишни сақлаб қолиш бугунги кундаги долзарб тадқиқотлар характерини белгилайди.

Республикамизда сўнги йилларда тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштириш, реставрация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Тарихий обидаларни тиклаш, консервация ва реставрация қилиш масалалари илм-фан аҳли, ҳунармандлар ва мутахассислар олдига янги-янги вазифаларни қўймоқда, яъни тарихий-маданий ҳамда табиий объектларни музей объектларига айлантиришни тақозо этмоқда. Фарғона водийсидаги тарихий-маданий ёдгорликларни илмий ўрганиш, консервация ва реставрация қилиш, музейлаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, «Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир»<sup>1</sup>. Бу эса моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, илмий жиҳатдан ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш орқали юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш ҳамда моддий маданий мерос соҳасидаги давлат назоратини тубдан такомиллаштиришда асосий омил саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б. 29.

Қарори, 2018 йил 16 январдаги ПФ-5181-сон «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши, 2018 йил 19 декабрдаги «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистоннинг тарихий-маданий ёдгорликларини реставрация ва консервация қилиш ҳамда музейлаштириш масалалари қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Жумладан, Фарғона водийсининг тарихий-маданий ёдгорликларини асраб-авайлаш ва музейлаштириш масалаларига оид бир қанча илмий изланишлар ҳамда илмий тадқиқот материаллари ва археологик экспедиция ҳисоботлари мавжуд бўлиб, улар мавзунини ўрганиш ва ечимини топишда яқиндан ёрдам беради. Тадқиқот иши мавжуд илмий адабиётлар ва материаллар асосида уч гуруҳга бўлиб ўрганилди.

**Биринчи гуруҳга** Россияси империяси ҳамда совет даври нашрлари киритилди. Ушбу икки давр адабиётларининг бир гуруҳга киритилганлиги сабаби, мустамлакачилик даври олимларининг деярли кўпчилиги совет тузуми даврида ҳам ижод қилганликлари ҳамда уларнинг тадқиқотлари совет нашриётларида эълон қилинганлиги билан изоҳланади. Бу борада дастлабки тадқиқотлар Н.И.Веселовский, А.Ф.Миддендорф, А.П.Федченко, М.Е.Массон, А.Н.Бернштам<sup>2</sup> каби йирик олимлар томонидан амалга оширилган.

Совет даврида яратилган ва тарихий-маданий ёдгорликлар муаммоларига бағишланган тадқиқотлар сирасига Б.А.Латинин, В.Л.Воронина, А.К.Писарчик, И.Ахроров, Н.Г.Горбунова, Ю.А.Заднепровский, И.Ф.Бородин, Г.Н.Чабров, П.Ш.Захидов, И.М.Азимов, Н.С.Садиковаларнинг асарларини киритиш мумкин<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Веселовский Н.И. Отчет о работах в Средней Азии в 1884-1885 гг. // ОАК за 1882-1888 гг. С. 61-80. СПб., 1891; Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб. 1882; Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. – М., 1950; Массон М.Е. Экспедиция археологического надзора на строительстве Большого Ферганского канала // КСИИМК. Вып. IV. С. 50-52. М.-Л., 1940; Бернштам А.Н. Древняя Фергана. -Ташкент, 1951

<sup>3</sup> Латынин Б.А. Некоторые итоги работ Ферганской экспедиции 1934 г. // АСГЭ. Вып. 3. С. 109-170. Л., 1961; Воронина В.Л. Народная архитектура Ферганской области. 1940. Ф №1477. Маданий мерос департаменти жорий архиви; Писарчик А.К. Полевой отчет старшего научного сотрудника Узкомстариса по изучению народной архитектуры Ферганы. 1938. Маданий мерос департаменти жорий архиви, Ф №1488; Писарчик А.К. Дневник Ферганской экспедиции. 1938. Маданий мерос департаменти жорий архиви, Ф №1489; Ахроров И. Археологические исследования городища Ахсикет в 1960 г. // ОНУ, №8. С. 53-58. Ташкент, 1962; Горбунова Н.Г. Итоги исследований археологических памятников Ферганской области (к истории культуры

Мустақиллик даври адабиётлари мавзуга алоқадор тадқиқотларнинг **иккинчи гуруҳини** ташкил этади. Фарғона водийсидаги тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш ва муҳофаза қилиш муаммолари бўйича А.А.Анорбоев, Б.Х.Матбобоев, М.А.Юсупова, Н.У.Абдулахатовлар<sup>4</sup>нинг асарлари яратилди. Шу билан бирга Р.В.Альмеев, Д.Т.Курязова, Р.Б.Абриев, М.С.Мухамедова, М.Ш.Мансуров, М.Ф.Расуловлар<sup>5</sup>нинг тадқиқотлари тарихий-маданий ёдгорликлар муаммоларига бағишланган. Аммо, таъкидлаб ўтилган тадқиқотлар айнан Фарғона водийсидаги тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштиришга оид алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган, айрим жиҳатлари ифода қилинган.

Тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштириш масаласи хориж тадқиқотларида ҳам ўрганилган бўлиб, уларни **учинчи гуруҳга** киритиш мумкин. Булар жумласига А.Скотт, Ф.Ратхген, А.Лукас, Ж.Варрен<sup>6</sup> каби олимларнинг илмий тадқиқотларини киритиш мумкин. Шунингдек, изланиш олиб бориш жараёнида муаммони кенг қамровда тадқиқ этиш ва қиёсий

---

Ферганы) // СА. №3. С. 16-34. М., 1979; Заднепровский Ю.А. Древняя Фергана. Автореф. дисс... канд. ист. наук. Л., 1954. Бородина И.Ф. Дневник обследования с описанием памятников архитектуры Ферганской долины (жилых домов, квартальные мечети, медресе и мавзолеев). 1954. Ф №1644. Маданий мерос департаменти жорий архиви; Чабров Г.Н. Из истории города Ферганы // Труды САГУ. Вып. 13. С. 55-65. Ташкент, 1953; Захидов П.Ш. Ферганская роспись. –Ташкент, Изд. Худ. литературы УзССР. 1960; Азимов И.М. Научные паспорта на памятники архитектуры Андижанской области. 1975. ЎзР ФА СИТИ архиви ИА (м) А 35-786; Азимов И.М. Научные паспорта на памятники архитектуры Наманганской области. 1975. ЎзР ФА СИТИ архиви ИА (м) А 35-813; Азимов И.М. Научные паспорта на памятники архитектуры Ферганской долины. 1975. ЎзР ФА СИТИ архиви ИА (м) А 35-782; Азимов И.М. Архитектурные памятники Ферганской долины. Путеводитель. –Ташкент, «Узбекистан». 1982; Азимов И.М. Архитектурное наследие Ферганской долины XVIII– начало XX в. Проблемы изучения, охраны и использования. Автореф. дисс... канд. архитектуры. Азербайджанский инженерно-строительный институт. Баку, 1990; Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. -Ташкент, «Фан». 1975.

<sup>4</sup> Анарбаев А. Ахсикет – столица древней Ферганы. Т., «Тафаккур». 2013; Анорбоев А., Исломов У., Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. -Тошкент. «Фан», 2001; Матбабаев Б.Х. Раннесредневековая культура Ферганы (На основе исторического анализа археологических источников V–VIII вв.): Автореф. дис... доктора ист. наук. Самарканд, 2009; Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З. Древний и средневековый Андижан. -Ташкент, 2011; Юсупова М.А. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана. На примере «новых городов» Ферганской долины, конца XIX – начала XX в. Ташкент, 2005; Абдулахатов Н.У. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины (по материалам святых мест Ферганского вилоята). Автореферат, дис... канд. ист. наук. -Ташкент, 2008.

<sup>5</sup> Алмеев Р.В. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития (1991-2000 гг.) Автореферат дис... д-ра. ист. наук – Ташкент, 2012. С. 50; Курязова Д.Т. Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти (тарих ва ўлкашунослик музейлари мисолида). Тарих фан. ном. дис. ... автореферати. – Тошкент: ЎзМУ, 2009. – 30 б; Абриев Р.Б. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш тарихи (Зарафшон воҳаси мисолида). Автореферат, тар.фан. бўйича PhD. Тошкент, 2018. 53 б; Мухамедова М.С. Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги музейлаштирилган объектларда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиш истикболлари (XX аср II ярми - XXI аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020. 50-б; Мансуров М.Ш. Фарғона водийсида туризмнинг ривожланиш жараёнлари ва холати (1980-2018 й). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020. 50 б; Расулов М.Р. Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларнинг аҳволи ҳамда уларга бўлган муносабатнинг трансформацияси (1980-2019 йй). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020. 52 б.

<sup>6</sup> Scott A. The Cleaning and Restoration of Museum Exhibits Reports upon Investigations conducted at the British Museum. London, 1921; Rathgen F. Die Konservierung von Altertumsfunden. Berlin, 1913; Lucas A. Antiques, their Restoration and Preservation. London, 1932; Warren J. Constervation of strukture in historic buildings // Architectual conservation. 2004. № 2. – P. 39-49.

таҳлил этиш мақсадида МДХ давлатларидаги музейлаштириш масалаларига бағишланган тадқиқотларга ҳам таянилди<sup>7</sup>.

Фарғона водийсининг ўрганилаётган даврдаги тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштиришга оид яхлит илмий тадқиқот иши яратилмаганлиги диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб берувчи муҳим жиҳатларидан бири саналади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон тарихи давлат музейида бажарилаётган № ФА-Ф-1-009 «Ўзбекистон музейлари XXI асрда. Янги йўналишлар ва ривожланиш истиқболлари асослари» фундаментал тадқиқоти лойиҳаси доирасида амалга оширилди (2017-2021 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** Фарғона водийсидаги тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштириш ва музейларнинг моддий маданият ёдгорликларини сақлашдаги ролини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Фарғона водийсидаги тарихий - маданий ёдгорликларни музейшунослик аспектида ўрганиш ҳамда илмий-назарий ва методологик асосларини кўрсатиб бериш;

ёдгорликларни музейлаштириш жараёнларининг ривожланиш босқичларини очиб бериш;

Фарғона водийси музейлари экспозициялари мазмун моҳиятини аниқлаш ҳамда холисона баҳолаш;

водийдаги музейлар фаолиятини ривожлантиришда жаҳон тажрибасининг ўрни ва ролини ифодалаб бериш;

Фарғона водийсида маданий туризмнинг ривожланиш жараёнларини илмий адабиётлар ва манбалар асосида ёритиш;

тадқиқот натижалари асосида якуний хулосалар чиқариш ҳамда илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фарғона водийсидаги тарихий-маданий ёдгорликлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштириш, таъмирлаш ва сақлаш, музейлар фаолияти ва маданий туризмни ривожланиш жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда фанлараро ёндашув, тарихийлик ва тизимлилик, қиёсий ва статистик таҳлил каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсидаги маданий мерос объектлари (998 та, 2018 й.): Андижон вилоятида «Хунармандчилик этнографик зонаси»(XX аср), «Боғи Бобур рамзий қабр музейи» (XX аср), Наманган вилоятида «Махдуми Аъзам мақбараси», «Султон Увайс Қароний мажмуаси» (1863 йил) ва Фарғона

---

<sup>7</sup> Шмидт Ф.И. Музейное дело. Вопросы экспозиции. -Л., 1929; Медведь А.Н. Музеефикация памятников археологии в России (прошлое и настоящее). -М, Издательство «ГНОМ и Д», 2004; Каулен М.Е. Музеефикация историко-культурного наследия России. -М, «Этерна», 2012.



вилояти «Жаҳон Отин Увайсий ёдгорлик-музейи», «Хувайдо ёдгорлик-музейи»лари ҳисобига Республика моддий маданий мерос объектлари миллий рўйхати (1072 та, 2019 й.) кенгайтирилган.

жаҳондаги моддий-маданий ёдгорликларни назарий ва амалий жиҳатдан реставрация ҳамда консервация қилиш жараёни маълумотларнинг вужудга келиши (XIV-XV аа.), назариянинг шаклланиши (XVII-XVIII аа.), методларнинг яратилиши (XIX а. ўрталари) ва маданий меросни муҳофаза қилишга оид меъёрий ҳужжатларнинг (конвенция, хартия) қабул қилиниши (XX а.) каби тарихий-тадрижий ривожланиш босқичларда шаклланганлиги далилланган;

Фарғона вилоятидаги Қува буддавийлик ибодатхонаси, Тепакўрғон ёдгорлиги, Андижон вилоятидаги Мингтепа, Эйлатан, Далварзинтепа археологик ёдгорликлари, Аҳмадбек хожи меҳмонхонаси, Отақўзи мадрасаси, Наманган вилоятидаги Мунчоктепа, Муғтепа, Айритом археологик ёдгорликлари, Хўжа Амин мақбараси ёдгорликларни яхлит мажмуа сифатида тарихий аҳамиятини сақлаб қолган ҳолда музейлаштирилиши зарур бўлган объектлар эканлиги асослаб берилган;

Фарғона водийсининг бой тарихини кенг оммага тарғиб қилишда унинг географик жойлашув йўналиши бўйича 3 та ҳунармандчилик маркази, 15 та музей, 12 та археологик ва 28 та меъморий объектларни ўзида қамраб олган «Қубо–Эрши–Аҳси» туристик маршрути ишлаб чиқилган, шунингдек, кенг қамровли тарихий маълумотларни туризмни ривожлантириш орқали етказиб бериш афзалликлари янги тарихий далиллар асосида исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштириш ҳамда туризмда фойдаланиш бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган;

Фарғона водийсининг тарихий маданий ёдгорликларига бағишланган барча илмий адабиётлар ва бирламчи манбаларнинг ўзига хос, умумий ва хусусий жиҳатлари, миқдор ва сифат даражаси аниқланган;

Олий ўқув юрти талабалари учун тарих ва музейшунослик фанлари доирасида маърузалар тайёрлашда фойдаланиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий музейшунослик, шунингдек, тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, музей соҳасига оид кўп турдаги адабиётлар, ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг тадқиқотлари, турли характердаги манбалардан фойдаланилганлиги, тарихий-маданий мерос объектларининг музейлаштирилиши ва туризм инфратузилмасига киритилишига доир янги принципаал қоидалар ва норматив ҳужжатлар ҳамда архив материаллари каби бирламчи манбаларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда маданий туризм тарихи бўйича ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратишда, Музейшунослик

кафедраси негизида ташкил этилган «Музей предметларини экспертизаси, консервацияси ва таъмирлаш» йўналиши талабаларига «Музей ашёларини экспертизаси ва реставрацияси», «Ёдгорликларни таъмирлаш ва сақлаш» каби мутахассислик фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштириш, таъмирлаш ва сақлаш, музейлар фаолияти ва туризм соҳасида амалга оширилаётган мақсадли давлат дастурларининг бажарилишига хизмат қилиши билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фарғона водийсидаги тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштириш масалаларини тадқиқ этиш асосида олинган илмий натижалар қуйидаги йўсинда жорий этилган:

Фарғона водийсидаги тарихий-маданий ёдгорликларни музейлаштиришда жаҳондаги моддий-маданий ёдгорликларни реставрация ва консервация қилишнинг тарихий-тадрижий ривожланиш бўйича тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Ўзбекистон XIX-XX асрларда» ва «Мустақил Ўзбекистон: озод ва обод Ватан» экспозицияларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 18 апрелдаги 311255-991-сон маълумотномаси). Қўлланилган натижалар фактик материаллар ва музей экспозициясини такомиллаштириш, мазмун моҳиятини илмий бойитишга хизмат қилган;

Фарғона водийси тарихий-маданий ёдгорликлар музейлаштириш масалалари тадқиқи натижасидан Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «XVI-XIX асрларда Ўзбекистон», «Ўзбекистон XIX-XX асрларда» ва «Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий бўлиниши» бўлимларини бойитишда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари тарихи ҳақидаги умумий маълумотлардан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 18 апрелдаги 311255-991-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши тарихий-маданий ёдгорликлар тарихини ўрганишга, ёш авлодни маданий меъросга хурмат руҳида тарбиялашга ёрдам бермоқда;

Фарғона водийсининг бой тарихини кенг оммага тарғиб қилишда унинг географик жойлашув йўналишидаги тарихий-маданий ёдгорликлар ҳақида кенг қамровли тарихий маълумотлардан Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Ўзбекистонда туризм тараққиёти», «Ўзбекистоннинг маънавий ва маданий тараққиёти» бўлимлари ва «Ўзбекистон-Буюк ипак йўли чорраҳасида» номли кўргазмаларда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 18 апрелдаги 311255-991-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши мустақиллик йилларида туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида кенг маълумотлар беришда, шу билан бирга экспозиция орқали ёшларда тарихий-маданий ёдгорликларга бўлган хурмат хиссининг кучайишига имкон бермоқда.

Фарғона водийсидаги тарихий - маданий ёдгорликларни яхлит мажмуа сифатида тарихий аҳамиятини сақлаб қолган ҳолда музейлаштирилиши

бўйича илмий натижалардан Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи экспозициясини қайта шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 01-11-08-4781-сон маълумотномаси). Бу эса тарихий - маданий ёдгорликларни асраб авайлаш, шуниндек музейга ташриф буюрувчиларнинг бой тарихимизга бўлган қизиқишнинг ортишига хизмат қилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий конференцияда, жумладан 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, (улардан 18 таси республика ва 2 таси чет эл журналларида) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 130 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, даврий чегараси, ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети ёритилган, муаммога оид манбалар таҳлил қилинган, тадқиқот методлари асосланган, мавзунинг илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, тадқиқот апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **«Фарғона водийсидаги тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганилиши ва таснифи»** деб номланган биринчи бобида Фарғона водийсининг тарихий-маданий ёдгорликларининг таснифи, статистикаси, сақланиш ҳолати ва уларни музейлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари тадқиқ этилган.

Фарғона водийсида кўплаб қадимий ёдгорликлар мавжуд. Улар орасида жаҳон цивилизациясида ўзига хос ўринга эга бўлган тарихий ёдгорликлар ажралиб туради. Бу ёдгорликларни сақлаб қолиш ва музейлаштириш мутахассислар олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Фарғона водийсини илмий тадқиқ этиш XIX аср охирларидан, рус олимлари А.П.Федченко<sup>8</sup> ва А.Ф.Миддендорф<sup>9</sup>ларни Фарғона водийси тўғрисида маълумотлар тўплаган вақтдан бошланади. 1884-1885 йиллари Петербург университети доценти, шарқшунос ва археолог Н.И.Веселовский Ўрта Осиёга хусусан Фарғона водийсига келиб, илмий изланишлар олиб

<sup>8</sup> Федченко А. П. Путешествие в Туркестан. – М., 1950.

<sup>9</sup> Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб. 1882.

борди. Олим ўз эътиборини мусулмон даври ёдгорликлари ҳамда Косонсой (Муғ), Ахсикент ва Ўзганни тадқиқ этишга қаратди. Хусусан, Шимолий Фарғонада жойлашган қадимий қабрларда 30 га яқин тошқўрғонларда қазилар ишларини олиб борган. Бу ишлар Фарғона археологиясида биринчи бор амалга оширилди<sup>10</sup>.

Кейинги тадқиқотлар 1930 йилдан бошланади. Ленинград Давлат Эрмитажи ходими Б.А.Латинин Учқўрғон электр станцияси қурилиши муносабати билан археологик кузатув ишлари олиб борди<sup>11</sup>. У Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Фарғона водийсининг суғорилиш тарихини ўрганишни бошлади ва бу соҳани келажакда катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

Кейинчалик 1940 йили Т.Г.Оболдуева Шимолий Фарғона канали қурилишида<sup>12</sup>, В.Д.Жуков эса Жанубий Фарғона канали қурилишида археологик кузатув ва қазилар ишларини олиб бордилар<sup>13</sup>.

1946 йилдан эътиборан, етти дала мавсуми давомида Фарғона водийсида Этнография институти, Москва Археология институти кабилар ўлкашунослик музейлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. Жумладан Андижон ўлкашунослик музейида В.И.Козенкова, Фарғонада Н.Г.Горбунова, Б.З.Гамбург, Наманганда Ю.Г.Чуланов, Ўшда Ю.Д.Баруздин, А.И.Пошко водийда фаол археологик тадқиқотлар ўтказдилар<sup>14</sup>. Фарғонада Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган тош даври макони Селенғур ғорининг топилиши фандаги яна бир кашфиёт бўлди. Бу макондаги тош қуроллар бундан 1 млн. 800 минг йил олдинги вақт билан белгиланган, шу жойдан топилган одам суяги қолдиқлари асосида яратилган «фергантроп» одамига оид дастлабки маълумотлар олинди. Ушбу экспедиция раҳбари академик Ў.Исломовнинг фикрича бу топилмалар Фарғонани энг қадимги одамлар жойи бўлганидан далолат беради ва илк тош давридаёқ одамлар водийни макон қилгани эътироф этилади<sup>15</sup>.

1950-1952 йилларда Помир-Фарғона комплекс археологик экспедицияси ташкил этилди. А.Н.Бернштам изланишлари мобайнида қадимги деҳқонлар ва чорвадорлар, шаҳар ва қишлоқ харобаларини тадқиқ этди<sup>16</sup>. Кейинги археологик қазилар ишлари ҳам А.Н.Бернштам хулосасининг нақадар тўғрилигини исботлаб турибди.

Фарғонанинг турли жойларидан тасодифан топилган ёдгорликлар ҳам учраб турди. Хок ва Афлотун хазиналари, Сўхдан топилган тошдан ясалган

<sup>10</sup> Веселовский Н.И. Отчет о работах в Средней Азии в 1884-1885 гг. // ОАК за 1882-1888 гг. С. 61-80. СПб., 1891.

<sup>11</sup> Латынин Б.А. Работы в районе проектируемой гидроэлектростанции на реке Нарын в Фергане // ИГАИМК. 1935. Вып. 110. С. 120-158.

<sup>12</sup> Оболдуева Т.Г. Археологические наблюдения на Северном Ферганском канале // Изв. УзФАН СССР. 1940. №10. С. 29-32.

<sup>13</sup> Жуков В.Д. Отчет о работе второго отряда археологической экспедиции на строительстве БФК // ТИИА АН УзССР. Ташкент, 1951. С. 41-84.

<sup>14</sup> Ахмедов Ж. Фарғона водийсининг тарихий-маданий ёдгорликларини ўрганилиш тарихидан // Ўтмишга назар. 2019. №2. 55-бет.

<sup>15</sup> Анорбоев А., Исломов У., Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. Тошкент. «Фан», 2001. 36 бет.

<sup>16</sup> Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алтая // МИА. №26. М.-Л., 1952.

илонлар ҳайкали шулар жумласидандир<sup>17</sup>.

Ю.А.Заднепровский водий ҳудудидан 80 дан ортиқ Чуст даври ёдгорликларини аниқлаб, уларни Фарғона тарихини ўрганишдаги ўрни ва ролини кўрсатиб берди<sup>18</sup>. У ишлаб чиққан 5 та археологик мезон ўз қимматини ҳозиргача йўқотгани йўқ<sup>19</sup>.

Тадқиқот жараёнида Эйлтон маданияти ёдгорликлари, айниқса улар қолдирган қадимги қабрлар археолог Н.Г.Горбунова томонидан кенг ўрганилганлиги аниқланди<sup>20</sup>.

1987-1992 йилларда қадимги Поп шаҳрини ўрганиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Мунчоқтепадан 1988 йил ер ости сағаналари топилди. Сағаналардан жуда яхши сақланган кийим-кечак, озиқ-овқат, қурол-яроқлар чиқди<sup>21</sup>.

1957 йил Фарғона вилоятида 4 та архитектура, 11 та археология ёдгорликлари, Андижон вилоятида 9 та археология ёдгорликлари, Наманган вилоятида 2 та архитектура, 10 та археология ёдгорликлари давлат ҳимоясига олинган<sup>22</sup>.

1960 йил Наманган вилоятида 9 та архитектура ёдгорликлари<sup>23</sup>, 1957–1968 йиллар давомида 71 та археология ёдгорликларининг рўйхати тузилган<sup>24</sup>. Андижон вилоятида 1970 йил 33 та архитектура, 81 та археология, 252 та санъат ёдгорликлари<sup>25</sup>, 1981 йил 108 та археология ёдгорликлари<sup>26</sup>, 1982 йил 79 та архитектура, 110 та археология, 361 та санъатга оид ёдгорликлар рўйхати қайд қилинган<sup>27</sup>. Фарғона вилоятида 1972 йили 37 та архитектура ёдгорликлари, 85 та археология ёдгорликлари, 24 та тарихий ва 167 та санъат ёдгорликлари рўйхатга олинган<sup>28</sup>.

Маданий мерос департаменти маълумотларига кўра бугунги кунда Фарғона вилоятида 334 та маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, буларнинг 113 таси археология, 179 таси архитектура, 42 таси маҳобатли санъат ёдгорликларидир<sup>29</sup>.

Наманган вилоятида 273 та объект рўйхатга олинган, жумладан 136 та археология, 103 та меъморчилик, 6 та маҳобатли санъат, 28 та муқаддас зиёратгоҳлар<sup>30</sup>.

Андижон вилоятида 415 та маданий мерос объектлари бўлиб, 79 таси

<sup>17</sup> Фарғона водийсининг қадимий шаҳарлари. Тошкент, 2008. 14-бет.

<sup>18</sup> Заднепровский Ю.А. Древняя Фергана // Автореф... дисс... канд. ист. наук. Л., 1954.

<sup>19</sup> Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З. Древний и средневековый Андижан. Тошкент, 2011. 113-б.

<sup>20</sup> Горбунова Н. Новые данные о культуре эпохи бронзы в Ферганской долине // СА. –М; 1957. №3. С. 130-135.

<sup>21</sup> Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья (по материалам погребальных и городских памятников). Тошкент, 2009. С. 69.

<sup>22</sup> ЎзР МДА, Р-2296-жамғарма, 3-рўйхат, 48-йиғмажилд, 30-варақ.

<sup>23</sup> ЎзР МДА, Р-2296-жамғарма, 3-рўйхат, 48-йиғмажилд, 78-80-варақлар.

<sup>24</sup> ЎзР МДА, Р-2296-жамғарма, 4-рўйхат, 10-йиғмажилд, 6-варақ.

<sup>25</sup> ЎзР МДА, Р-2582-жамғарма, 1-рўйхат, 1718-йиғмажилд, 5-варақ.

<sup>26</sup> ЎзР МДА, Р-2296-жамғарма, 4-рўйхат, 48а-йиғмажилд, 46-варақ.

<sup>27</sup> ЎзР МДА, Р-2296-жамғарма, 4-рўйхат, 489-йиғмажилд, 87-варақ.

<sup>28</sup> ЎзР МДА, Р-2582-жамғарма, 1-рўйхат, 1718-йиғмажилд, 19-варақ.

<sup>29</sup> Маданий мерос Департаменти жорий архиви.

<sup>30</sup> Ўша жойда.

археология, 132 таси меъморий, 138 таси монументал санъат, 66 таси зиёратгоҳлардир<sup>31</sup>.

Фарғона водийсида 328 та археология ёдгорликлари мавжуд. Улардан 113 таси Фарғона вилоятида, 79 таси Андижон вилоятида, 136 таси Наманган вилоятида жойлашган<sup>32</sup>.

Эски Ахси харобаларидан топилган моддий ва маданий ашёлар ўзига хос ранг-баранглиги ва нафосатга бой эканлиги билан ажралиб туради. Ахсикентдан топилган моддий-маданият намуналари Париждаги Лувр Давлат музейида<sup>33</sup>, А.И.Смирнов коллекциясидаги Ахсикент бронза буюмлар хазинаси эса Москвадаги Шарқ халқлари тарихи Давлат музейида сақланмоқда<sup>34</sup>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги «Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида «Ахсикент» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида» №831-Қарори қабул қилинди<sup>35</sup>. Мазкур қарор асосида ташкил этилган «Ахсикент» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси ўз фаолиятини бошлади. 2019 йил 28 февралда Президент Шавкат Мирзиёев Ахсикентга ташриф буюриб, музейга айлантирилган объект билан танишди ва у ерда амалга оширилган ишларни маъқуллаб, тегишли кўрсатмалар берди.

Фарғона водийсининг яна бир улуғвор ёдгорлиги қадимий Мингтепадир. Сўнгги йилларда Мингтепада олиб борилаётган археологик қазув ишлари анча кенгайди. Бу ишларда маҳаллий мутахассислардан ташқари чет эллик археологлар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Тадқиқотларнинг катта қисми Ўзбекистон (Ўзбекистон Фанлар академияси миллий археология маркази) ва Хитой олимлари (Хитой ижтимоий фанлар академияси археология институти) ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Саккиз йиллик қўшма ҳамкорлик натижаси топилган ноёб топилмалар асосида 2019 йил Ўзбекистон тарихи давлат музейида «Ўзбек-Хитой археологларининг қазишма ишлари айрим натижалари» номли кўرғазмага ташкил этилди<sup>36</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги «Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги «Мингтепа» археология мероси объектини муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида» 1059 сонли Қарори қабул қилинди<sup>37</sup>. Мазкур қарор асосида «Мингтепа» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик маркази ташкил этилди.

Фарғона вилоятининг Қува туманида олиб борилган археологик тадқиқотлар унинг минг йиллик тарихидан дарак беради. Қува шаҳар

<sup>31</sup> Ўша жойда.

<sup>32</sup> Аҳмедов Ж. Фарғона водийсининг тарихий-маданий обидаларини ўрганишга доир // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Тошкент, 2013. - №1-2. 39-б.

<sup>33</sup> Юсупов И., Мирзаалиев Э. Ахсикент // Мозийдан садо. Тошкент, 2010. №1(45). 27-б.

<sup>34</sup> Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Тошкент, 2000. 409-б.

<sup>35</sup> <http://www.lex.uz/docs/3382160>

<sup>36</sup> Аҳмедов Ж. Мингтепа – Фарғона водийсининг энг улуғвор ёдгорлиги. // Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари. Республика илмий анжумани. Наманган, 2020. 59 бет.

<sup>37</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2018 й., 09/18/1059/2404-сон.

харобасида В.А.Булатова ишлари натижасида буддавийлик ибодатхонаси очилган<sup>38</sup>. Мазкур ёдгорликдан топилган топилмалар реставрация қилиниб, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва Ўзбекистон давлат санъат музейларига топширилди. Фарғонашунос олим Н.Абдулаҳадовнинг фикрича, бу ибодатхона Фарғона водийсида ягона бўлиб, ҳозирга қадар тадқиқотчиларнинг диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Фарғона водийсидаги музейлаштирилган архитектура ёдгорликларидан бири XIX аср Фарғона меъморчилик мактабининг ёрқин намунаси Қўқондаги Худоёрхон ўрдасидир. 1876 йилда Қўқон хонлигини Чор Россияси босиб олгандан сўнг, Худоёрхон саройида рус ҳарбий гарнизони жойлаштирилган<sup>39</sup>. 1924 йилда Фарғона вилояти Саноат ва Қишлоқ Хўжалиги кўрғазмаси замирида Қўқон ўлкашунослик музейи ташкил топган. У 1929 йилгача Округ музейи, 1930-1937 йилларда туманлараро музей бўлиб фаолият кўрсатган<sup>40</sup>. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўрда биносида ҳарбий госпитал очилиши муносабати билан, музей вақтинча ўз фаолиятини тўхтатган. Шу сабабли музей фондида сақланаётган осори-атиқалар турли ташкилот ва ишончли шахсларга тарқатиб юборилган. 1958 йилда музей қайта ташкил этилган ва шу йилдан бошлаб шаҳар ўлкашунослик музейи деб номланади.

Андижоннинг эски шаҳар қисмида жойлашган Жомеъ меъморий мажмуаси Фарғона меъморчилик мактабининг ёрқин намунаси ҳисобланади. 1970-1975 йилларда ёдгорлик қайта таъмирланиб, ЎзФА Адабиёт музейининг филиали сифатида фаолият юритган.

Фарғона водийсининг яна бир ноёб меъморий ёдгорлиги Мулла Қирғиз мадрасасидир. Мадрасада 1974 йилдан бошлаб, ёдгорликларни сақлаш жамияти вилоят бўлими идораси, Наманган ўлкашунослик музейининг Адабиёт ва санъат бўлими фаолият юрита бошлади.

Водийнинг яна бир кўзга кўринган обидаларидан бири Қўқондаги Жомеъ мажмуасидир. Музейлаштирилган Жомеъ масжиди биносида 2010 йилдан эътиборан «Қўқон амалий санъати ва ҳунармандчилиги» музейи фаолият кўрсатмоқда. Хусусан амалий санъат ва ҳунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик, ҳаттотлик ва китобот, каштадўзлик, пичоқсозлик, кулолчилик, заргарлик ва чиннисозлик турлари маҳаллий ва хорижлик сайёҳларга намойиш этилиб келинмоқда<sup>41</sup>.

Диссертациянинг «**Фарғона водийси музейлари: моддий маданият ёдгорликларини консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш**» деб номланган иккинчи бобида музейлар, музейшунослик тарихи ва назарияси, мустақиллик йилларида бу соҳада эришилган ютуқлар, ислохотлар, муаммо ва камчиликлар, хусусан Фарғона водийси музейлари, музейларнинг моддий

<sup>38</sup> Фарғона водийсининг қадимий шаҳарлари. Тошкент, 2008. 88 бет.

<sup>39</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 2 жилд. - Т.: Фан, 1993. –Б. 134 -144.

<sup>40</sup> Ахмедов Ж. Коканд - ветреный город // Мир музея. Москва, 2015. №7. С. 53.

<sup>41</sup> Ахмедов Ж. Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейида янги экскурсия дастурлари // ЎЗМУ хабарлари. 2013. №1. 159 бет.

маданият ёдгорликларини сақлаш ва тарғиб этишдаги роли, хориж музейларида реставрация ва консервация масалалари тадқиқ этилди.

Фикримизча, тарихий-маданий мерос объектларини сақлаш ва уларни авлоддан-авлодга бешикаст етказиб беришда музейлар фаолиятини ривожлантириш масалаларини илмий тадқиқ қилиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бугунги кунда бу муаммолар давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан Мустақиллик йилларида музей ишларини тубдан янгилаш, яхшилаш юзасидан бир қатор фармон, қонун ва қарорлар қабул қилинди<sup>42</sup>. Фарғона водийсида деярли барча даврларга оид ноёб экспонатлар сақланадиган кўплаб маънавий-маърифий масканлар бор. Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи, Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи, Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, Қўқон давлат музей кўриқхоналари шулар жумласидандир.

Фарғонадаги биринчи музей 1894 йил 16 октябрдан 17 ноябргача Янги Марғилон шаҳрида ўтказилган биринчи қишлоқ хўжалиги ва саноат кўرғазмаси асосида ташкил этилган<sup>43</sup>.

1998 йилда музей фонди Қува шаҳристонини қазилмаларидан топилган X-XI асрларга тегишли бронза ва темирдан ясалган ҳамда кулолчилик буюмларидан иборат 1120 та экспонатлар билан тўлдирилган<sup>44</sup>.

Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сонли қарори асосида Фарғона вилоят Ўлкашунослик музейи негизида қайта ташкил этилди<sup>45</sup>.

Намангандаги илк музей шаҳардаги 1-ўрта мактабнинг физика ўқитувчиси Владимир Иванов ташаббуси билан ташкил этилди. У 1919 йилда Туркистон АССР Халқ таълими нозирлигига ёзган хатида, ўқувчиларга пухта билим бериш учун Наманган шаҳар мактабларидаги барча физика фани ўқув асбобларини бир жойга йиғиб, ягона физика кабинети ташкил қилишни таклиф этди<sup>46</sup>. Мазкур таклиф нозирлик томонидан қабул қилинди. Музей дастлаб Наманган шаҳар ўлкашунослик музейи, 1934 йилдан туманлараро музей ва 1938 йилдан бошлаб Наманган вилояти ўлкашунослик музейи деб атала бошланди<sup>47</sup>. 1988 йилда музей махсус қурилган бинога кўчирилди.

Музей ташкил этилган дастлабки йилларда 1000 га яқин экспонат

---

<sup>42</sup>«Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1994 йил 23 декабр // “Халқ сўзи”, 1994 йил 24 декабрь; «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1998 йил 12 январь // “Халқ сўзи”, 1998 йил 13 январь; «Музейлар фаолиятини тубдан кўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1998 йил 5 март // “Халқ сўзи”, 1998 йил 15 март; «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2008 йил 12 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил. №37-38. 12-20-б.

<sup>43</sup> Гласс Ю.И., Ланда Л.М. Музеи Узбекистана. Путеводитель-справочник. – Ташкент: Госизд., 1961. - С. 53.

<sup>44</sup> Альмеев Р.В. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. - Ташкент, 2007. - С. 24.

<sup>45</sup> <https://lex.uz/docs/3451889>

<sup>46</sup> Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. - Тошкент, Санъат. 2010. 43-б.

<sup>47</sup> Гласс Ю.И., Ланда Л.М. Музеи Узбекистана. Ташкент, 1961. С. 58.



бўлиб, ташриф буюрувчилар 3205 кишини ташкил этган<sup>48</sup>. 1930 йилга келиб музей фондидаги экспонатлар 3000 тага, ташриф буюрувчилар эса 20000 тага,<sup>49</sup> 1934 йилга келиб 36770 тага етди<sup>50</sup>. 1935 йили ташриф буюрувчилар сони кескин даражада камайиб, 16075 тагача тушиб қолди. Бунинг сабаби тирик ҳайвонлар намойиш этиладиган Зоология бўлими ёпилиб, Тошкентга юборилган эди<sup>51</sup>. 1940 йилда музей экспонатлари 10000 тага етди, ташриф буюрувчилар эса 23000 кишини ташкил қилди<sup>52</sup>. Наманган вилоят музейи фонди экспонат сотиб олиш ҳисобига ҳам бойиди. Третьяков галереяси ва Эрмитаж музейидан бир нечта асарлар юборилган эди<sup>53</sup>.

1960 йилда музей фонди 1657 та янги экспонатлар билан тўлдирилди. Шу йили музейга ташриф буюрувчилар 20938 нафарни ташкил қилди<sup>54</sup>. 1961 йил музей ходимлари 1405 та экспонатлар йиғишди. Ташриф буюрувчилар 22846 нафарга ўсди<sup>55</sup>. 1965–1967 йилларда музей фондига 2291 та экспонат келиб тушди<sup>56</sup>. 1967 йил музейга ташриф буюрувчилар 72540 нафарни ташкил этди<sup>57</sup>. 1973 йил музей фондига 200 та экспонат кўшилди, 1974 йил экспонатларнинг умумий сони 24812 тага етди<sup>58</sup>.

Музей экспонатлари сони 2000 йилларга келиб 61000 дан ошди<sup>59</sup>, 2002 йилда 62771 тани ташкил этган бўлса, 2004 йил 63118 тага етди<sup>60</sup>. Ҳозирги пайтда музей экспонатларининг сони 70000 тадан ортиқ бўлиб, уларнинг 3000 га яқини ноёб ва нодир ашёлар - ўзининг тарихий қиммати билан ажралиб туради<sup>61</sup>. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сонли қарори асосида Наманган вилоят Ўлкашунослик музейи негизида қайта ташкил этилган<sup>62</sup>.

Фаолияти илмий таомилга тортилган яна бир музей Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи бўлиб, у мамлакатда ўзига хос нуфузга эга ва моҳияти, йўналиши жиҳатидан йирик, бой тарихга эга маданий-маърифий масканлардан бири ҳисобланади. Тарихий маълумотлардан маълумки, музей 1934 йил қишлоқ хўжалиги кўрғазмаси асосида ташкил этилган<sup>63</sup>. 1937 йил музей экспонатлари 760 та бўлиб, кўрғазма намойишига қўйилган. 1938 йил экспонатларнинг умумий сони 1046 тани, 1939 йил 1649 тани, 1940 йилга келиб эса экспонатлар сони 1753 тага етади. Баъзи

<sup>48</sup> Мирзаалиев Э. Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейи: кеча ва бугун. Фарғона, 2010. 10-б.

<sup>49</sup> Ўша жойда, 12-б.

<sup>50</sup> Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. 43-б.

<sup>51</sup> Ўша жойда.

<sup>52</sup> Мирзаалиев Э. Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейи: кеча ва бугун. - Фарғона, 2010. 14-б.

<sup>53</sup> Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. 44-б.

<sup>54</sup> Валиев А.Х. О работе Наманганского городского краеведческого музея в 1960 – 1961 годах // Общественные науки в Узбекистане. Ташкент. 1962. №3. - С. 71–72.

<sup>55</sup> Ўша жойда.

<sup>56</sup> Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. –Ташкент. С. 218.

<sup>57</sup> Ўша жойда, 239-б.

<sup>58</sup> Ўша жойда, 223-б.

<sup>59</sup> Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. 44-б.

<sup>60</sup> Мирзаалиев Э. Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейи: кеча ва бугун. - Фарғона, 2010. –Б. 27.

<sup>61</sup> Мирзаалиев Э. Тарих кўзгуси // Мозийдан садо. Тошкент, 2010. №4(48). 2-б.

<sup>62</sup> <https://lex.uz/docs/3451889>

<sup>63</sup> Гласс Ю.И., Ланда Л.М. Музеи Узбекистана. - Т., Госиздат, 1961. - С. 39.

сабабларга кўра шулардан 450 таси кўргазма залларида намоиш қилинади. Музейга ташриф буюрувчилар сони 1938 йил 3652 тани, 1939 йил 7945 тани, 1940 йил 8818 тани ташкил қилган<sup>64</sup>. 1960 йилга келиб бу кўрсаткич 6382 тани ташкил этди<sup>65</sup>.

Айни пайтда 110 мингдан зиёд экспонат сақланаётган мазкур музейга 2019 йилда ташриф буюрганлар сони 70 мингдан ортди шуларнинг 250 дан ортиғи хорижлик сайёҳлардир<sup>66</sup>.

Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сонли қарори асосида Андижон вилоят Ўлкашунослик ва Адабиёт ва санъат музейлари негизида қайта ташкил этилган<sup>67</sup>.

Музейлаштирилган тарихий ёдгорликлар бугунги кунда сайёҳлик объекти бўлиш билан бирга, замонавий функцияларни ҳам бажармоқда. Фарғона водийсининг эътиборли музейларидан бири Қўқон давлат музей кўриқхонасидир. Музей 1924 йилда Фарғона вилояти саноат ва қишлоқ хўжалиги кўргазмаси замирида Худоёрхон ўрдасида ташкил этилган. У 1929 йилгача «Округ музейи», 1929 йилдан «Туманлараро музей»<sup>68</sup>, 1959 йилдан «Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи» деб номланиб келинган. Кўп йиллар мобайнида музей фондлари бойитиб борилди. 1937-йилгача экспонатларнинг сони 1040 та бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг сони 40000 дан зиёд бўлиб, аксарият қисми экспозиция залларида намоиш этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сонли қарори асосида Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи негизида «Қўқон маданияти тарихи Давлат музейи» қайта ташкил этилган<sup>69</sup>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 майдаги 443-сонли қарори асосида Қўқон маданияти тарихи Давлат музейи «Қўқон давлат музей-кўриқхонаси»га<sup>70</sup> айлантирилди. Қарорга кўра Худоёрхон ўрдаси, Жомеъ мажмуаси, Миён Ҳазрат мадрасаси, Норбўтабий мадрасаси, Даҳмаи Модарихон макбараси, Дастурхончи мадрасаси ҳамда Тепакўрғон археология ёдгорликлари кўриқхонага бириктирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 11 декабрдаги 975-сонли қарорига асосан Ғафур Ғулум номидаги Фарғона вилоят адабиёт музейи негизида «Буюк алломалар» музейи ташкил этилди. Халқаро Ҳунармандчилик фестивали доирасида ташкил этилган мазкур

<sup>64</sup>Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. - Ташкент, Фан. 1975. - С. 175.

<sup>65</sup>Валиев А.Х. О деятельности Андижанского краеведческого музея в 1960-1961 годах // Общественные науки в Узбекистане. 1961. - №9. - С. 65.

<sup>66</sup><https://uza.uz/oz/culture/muzeylar-faoliyati-talabga-zhavob-beradimi-19-02-2020>

<sup>67</sup><https://lex.uz/docs/3451889>

<sup>68</sup> Райский Б., Хатилов А., Гизетти А. Межрайонный музей Ферганской долины // Советский музей. Москва, 1932. №2. С. 101.

<sup>69</sup><https://lex.uz/docs/3451889>

<sup>70</sup><https://lex.uz/docs/4358328>

музейда сайёҳлар учун юртимиз маданияти ва тарихи, адабий муҳити билан яқиндан танишиш имконияти мавжуд<sup>71</sup>.

Тадқиқот жараёнида йирик музейлар билан бир қаторда Фарғона водийсида фаолият юритаётган уй музейлари ҳам тадқиқ этилди. Захириддин Муҳаммад Бобур, Исҳоқхон Иброт, Зиёвуддин Хазиний, Абдулҳамид Чўлпон, Мукумий, Хамза, Увайсий, Хабибий, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф уй музейлари шулар жумласидандир.

Консервация – санъат асарлари, археология материаллари, буюмлар, кўлёзма, китоб, архив хужжатлари ва бошқа музей предметлари қийматидаги буюмларни узоқ турганда бузилмайдиган қилиб сақлаш тадбиридир. Бунинг учун ҳарорат, ҳавонинг намлиги доимо бир ҳил, ёруғлик ва вентиляция бир меъёрда бўлиши керак, чанг ва ҳашоратлар киришига йўл қўйилмаслиги даркор. Музейларда консервация қилинган буюмлар ҳимоя воситалари билан қопланган бўлади (масалан, ойна ичига қўйилади, махсус кимёвий моддалар сингдирилади). Консервация методларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ишлари билан музейшуносликда музейдаги ихтисослаштирилган лабораторияси шуғулланади. Консервация реставрация жараёни билан узвий боғлиқдир<sup>72</sup>.

Санъат асарлари (картина, ҳайкал ва бошқа моддий маданият ёдгорликлари, тарихий ва илмий аҳамиятга эга бўлган объектлар) доимий назоратга олинган ҳолда реставрация ишлари олиб борилади. Музей предметлари эса тавсифидан келиб чиққан ҳолда турли усуллар орқали реставрация ишлари амалга оширилади. Бирон-бир предмет реставрация қилинадиган бўлса, у илмий жиҳатдан пухта ўрганиб чиқилади, умумий аҳволи ташҳисланади. Картиналарнинг ўчган жойлари, бузилган ва йўқолган қисмидаги тасвирлар қайта чизилиб, бўяб асл ҳоли тикланади, агар асар кейинчалик бузилган, нотўғри тузилган, янглиш бўялган бўлса микрохимик анализ қилиниб, рентгенография, ультрабинафша нурларидан фойдаланиб, бўёқ қатламлари ўрганилади, рассом фойдаланган бўёқнинг ранг ва таркиби ўрганилиб, шундай бўёқ билан қайта ишланади. Илмий реставрация методлари XIX аср охири XX аср бошларида шаклланди. Унгача эса мавжуд маҳаллий таъмир услублари синовдан ўтказилди.

Музей предметларини консервация ва реставрация қилишдан аввал ёдгорликларни атрибуциялаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Атрибуция – бадий асар, музей предметларининг асслигини, муаллифини, яратилган жойи, вақтини аниқлашдир<sup>73</sup>.

Музейдаги баъзи бир ашёлар сақлашнинг алоҳида шароит ва махсус асбоб-жиҳозларни талаб қилади. Температура-намлик режими учун нисбатан умумий кўрсаткичлар 18+1С температура ва 55+5 намлик қабул қилинган. Барча ёруғликка сезгир материалларни ёруғликдан ҳимояланган фонд

<sup>71</sup> Ахмедов Ж. Кўкон – жаҳон хунамандлари шаҳри // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2019. №4. 11 бет.

